



PROBLEMS OF THE SUBJECTIVE ASPECT OF CRIMES RELATED TO FAILURE TO PROPERLY PERFORM PROFESSIONAL DUTIES AND LEAVING OTHERS IN DANGER, AS WELL AS THEIR QUALIFICATION

Ulugbek Kuldoshev

Master's student

Law Enforcement Academy

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: ulugbekkuldoshev5388@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Crime, responsibility, danger, failure to properly fulfill professional duties, subjective aspect, intent, negligence, self-confidence, recklessness.

Received: 04.03.25

Accepted: 06.04.25

Published: 08.04.25

Abstract: This article analyzes the subjective aspects of crimes related to the failure to fulfill professional duties and endangering others, the importance of the subjective side in the qualification of crimes, and the issues of correct qualification. It also presents conclusions and suggestions regarding the proper qualification of these crimes and the establishment of a unified practice of law application.

КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРМАСЛИК ВА ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ ВА УЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУАММОЛАР

Улугбек Кулдошев

Магистратура талабаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: ulugbekkuldoshev5388@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Жиноят, жавобгарлик, хавф, касб вазифаларни лозим даражада бажармаслик, субъектив томон, қасд, эҳтиётсизлик, ўз-ўзига ишониш, бепарволик.

Аннотация: Ушбу мақолада касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик ва хавф остида қолдириш жиноятларининг субъектив томони, субъектив томоннинг жиноятларни малакалашдаги аҳамияти ва тўғри малакалаш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур жиноятларни тўғри малакалаш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини яратиш билан боғлиқ хулоса ва таклифлар баён қилинган.

ПРОБЛЕМЫ СУБЪЕКТИВНОЙ СТОРОНЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НЕНАДЛЕЖАЩИМ ИСПОЛНЕНИЕМ СВОИХ ОБЯЗАННОСТЕЙ ПО ПРОФЕССИИ И ОСТАВЛЕНИЕМ В ОПАСНОСТИ, А ТАКЖЕ ИХ КВАЛИФИКАЦИЯ

Улугбек Кулдошев

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов

Ташкент, Узбекистан

E-mail: ulugbekkuldochev5388@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Преступление, ответственность, опасность, ненадлежащее выполнение профессиональных обязанностей, субъективная сторона, умысел, неосторожность, уверенность в себе, беспечность.

Аннотация: В данной статье анализируются субъективные аспекты преступлений, связанных с неисполнением своих обязанностей в сфере профессии и оставлением людей в опасности, значение субъективной стороны для квалификации преступлений, а также вопросы правильной квалификации. Также изложены выводы и предложения, касающиеся правильной квалификации этих преступлений и создания единой практики применения права.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (ЖК) 116-моддасида назарда тутилган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти амалиётда энг кўп учрайдиган жиноят турларидан бири ҳисобланиб, бепарволик ва хизмат вазифаларига инсофсизлик билан муносабатда бўлиш, айниқса тиббиёт соҳасида беморларга танлаб муносабатда бўлиш орқали содир этилади. Жиноятларни малакашда мазкур жиноятни ЖКнинг 117-моддасида белгиланган хавф остида қолдириш жиноятдан фарқлаш муҳим ҳисобланиб, мазкур жиноятлар жиноят субъектидан ташқари, жиноятнинг субъектив томонига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Жиноятнинг субъектив томони деганда, жиноят содир этган шахснинг руҳий ҳолати яъни жиноят содир этган шахснинг руҳиятида кечувчи жараёнлар тушунилиб, ҳар қандай жиноятнинг субъектив томони жиноий жавобгарликни асослаш учун ҳам, жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш учун ҳам улкан аҳамиятга эгадир.

Жиноятнинг субъектив томони жиноятнинг ички томони сифатида тавсифлангани ва жиноятчининг ички кечинмалари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, уни фақат содир этилган жиноятни объектив томонларини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш йўли билан аниқлаш мумкин.

Жиноятнинг субъектив томони айб, мотив ва мақсад каби юридик белгилар ёрдамида ёритилиб, ушбу белгилар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади.

Жиноят мотиви ва мақсадини тўғри англаш ва аниқлаш жиноятни очишга, тергов олиб боришга ва квалификация қилишга, шунингдек келгусида жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади.

П.Б.Бакуновнинг фикрича “айб – бу шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига руҳий муносабатини кўрсатувчи, қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланувчи жиноятнинг ажралмас белгисидир”.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 116-моддасига кўра, шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги ҳамда қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаслик жинояти эгри қасддан ҳам, эҳтиётсизлик (ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик) орқасидан ҳам содир этилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 21-моддаси тўртинчи қисмига кўра, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади. Эгри қасд тадқиқотчилар томонидан турли хил тарифланади. Хусусан, Г.Ф. Шершеневич томонидан эгри қасдда шахс ўз ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан кўра олади, уларнинг содир бўлишини истамаса ҳам, ўз ҳаракатларини давом эттиради, шу билан бирга, оқибатларнинг рўй беришига розилик билдирган бўлади деб тарифланади.

О.Ю.Баев томонидан эса, эгри қасд тўғридан-тўғри қасддан фарқли ўлароқ, шахс томонидан оқибатлар муҳокама қилингандан сўнг, уларнинг юз беришига билвосита рози бўлган ҳолат сифатида таърифланади. юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, эгри қасдда шахс ўз ҳаракатларининг оқибатларини англайди ва уларни истамаса ҳам, билиб туриб, содир этишни давом эттиради.

Бундан кўринадики, агар шахс касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини содир этаётганлигини билса, жабрланувчига ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилиши мумкинлигига кўзи етса ва бундай оқибатлар келиб чиқишига йўл қўйса бундай жиноят эгри қасддан содир этилган жиноят сифатида баҳоланиши ва ЖКнинг 116-моддаси тегишли қисми билан малакаланиши лозим. Масалан, шифокор ўз касб мажбурияти юзасидан беморга зарур тиббий ёрдам кўрсатиши лозимлигини, агар бундай ёрдамни кўрсатмаса, жабрланувчи оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати олиши ёки ўлиши мумкинлигини англайди ва шундай бўлсада, қасддан ёрдам кўрсатмайди ва тиббий ёрдам кўрсатилмаганлиги натижасида бемор вафот этади ёки оғир ёки ўртача оғир тан жароҳат олади. Ёки, бино қурилишида муҳандис хавфли конструкция хатоларини билиб

туриб, бинодаги ушбу камчиликларни тўғирламасдан, бино қулаши мумкинлигини англаган ҳолда фойдаланишга топширади ва бино қулашини билвосита қабул қилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятида қасд шаклини тўғри аниқлаш муҳим юридик аҳамият касб этиб, у жиноий жавобгарликнинг таркибий қисми сифатида жиноий қилмишни бошқаларидан ажратиш имкониятини беради. Хусусан, объектив белгиларига кўра, ўхшаш бошқа жиноят таркибларини бир-биридан ажратади.

Масалан, мактабгача таълим ташкилоти ходими тезроқ уйига кетиш мақсадида тарбияланувчини унинг уйига темир йўл орқали боришини билсада, нима бўлса ҳам менга фарқи йўқ деб болани ота-онасига топширмасдан боғчадан чиқариб юбориши натижасида боланинг боғчадан уйига қайтиш жараёнида темир йўлга чиқиб кетиб, тарбияланувчининг вафот этиши ҳолатида ходимнинг ҳаракатлари ЖКнинг 116-моддаси таркибини берса, ушбу ходимнинг атайин тарбияланувчининг онасидан қасд олиш ва боланинг ўлими келиб чиқиши мақсадида тарбияланувчини темир йўлга чиқариб юбориши ЖКнинг 97-моддаси билан малакаланмоғи лозим. Мазкур бир оқибат келиб чиққан ҳолатнинг икки хил малакаланиши субъектнинг қасди билан боғлиқ бўлиб, юқорида айтганимиздек, ЖКнинг 116-моддасини бошқа жиноятлардан фарқлаш имконини беради.

Эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этиш – бу шахснинг ўз ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) оқибатларини олдиндан кўра билиш мажбурияти ва имконияти бўлган ҳолда, уларни кўра билмаслиги ёки уларга бефарқ муносабатда бўлиши натижасида жиноят содир этиши ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 22-моддасига кўра, ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади.

Ш.Ё.Абдуқодировнинг таъкидлашича, “шубҳасиз эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар шахсларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан бўлган муносабатлари натижасида ижтимоий манфаатларга бўлган лоқайд муносабатлар ва бошқалар туфайли содир бўлади”.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти эгри қасддан ташқари эҳтиётсизликнинг бепарволик ва ўз-ўзига ишониш турлари орқали содир этилиб, ЎзР ЖК 22-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади.

Бепарволик бу - бажарилиши ёки назорат қилиниши лозим бўлган нарсага етарли эътибор бермаслик, яъни иш фаолиятининг талаб қилинадиган стандартларга мос

келмаслиги ҳисобланиб, профессор Brian Hurwitz томонидан бепарволик тушунчасига “баъзи еҳтиёт чораларининг амалга оширилиши шунчалик муҳимки, уларнинг еътиборсизлиги ва хатоларга йўл қўйилиши кечириб бўлмас ҳолат” сифатида тушунтириш берилади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган айбнинг бир тури бўлган бепарволик ўз-ўзига ишонишга маълум даражада ўхшасада уларни бир-биридан ажрата билиш лозим. Ўз-ўзига ишонишда шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етади ва англайди. Бепарволикда эса, шахс ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига умуман кўзи етмайди, бинобарин, хатти-ҳаракатлари хавфли эканлигини ҳам англамайди. Ўз-ўзига ишониб иш кўраётган шахс юз бериши мумкин бўлган оқибатларнинг жамият учун салбий оқибатларини ҳар доим англайди ва айти шу сабабли мазкур оқибатларни олдини олишга ҳаракат қилади. Ўз-ўзига ишониш эгри қасдга ўхшаб кетсада, эгри қасдда шахс оқибатларни келиб чиқишига кўзи етса, ўз-ўзига ишонишда оқибат мавҳум бўлади ва шахс бундай оқибат келиб чиқмаслигига умид қилади.

В.В.Чуйкин томонидан ўз-ўзига ишонишнинг руҳий томони ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олишга умид эмас, балки мўлжал сифатида тавсифланади. Бунда айбдор, ўз фикрига кўра, оқибат юз беришини олдини олишни аниқ омиллари - ўз кучи, маҳорати, тажрибасига, ўзга шахслар механизмларнинг ҳаракатларига умид қилади ва уларнинг аҳамиятига нотўғри баҳо беради, шу туфайли ҳам жиноий натижанинг олдини олишга мўлжал асоссиз бўлиб чиқади.

Ш.Д.Хайдаров томонидан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти субъекти ўз-ўзига ишониб иш кўрганида ижтимоий хавфли оқибатларга руҳий муносабнинг тасирчан асосини фақат ақлий жиҳат ташкил этишини таъкидлайди. Бизнинг фикримизча ҳам шундай ҳисобланиб, мазкур жиноят субъекти ўзининг ақлий салоҳияти ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда хавфли оқибатлар келиб чиқмаслигига умид қилади ва бу билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширади.

Масалан, шифокор беморга ташхис қўйишидан ва унга даво чоралари белгилашидан олдин бепарволик оқибатида уни барча кўриклардан ўтказмайди ва унга берилиши керак бўлмаган дори-дармонларни олиши ҳақида кўрсатма беради. Бемор аслида қабул қилиши мумкин бўлмаган дориларни қабул қилиш орқали вафот этади. Ёки, қурилиш муҳандиси бинода хавфли нуқталар борлигини текширмасдан, ишчиларни ишлашга мажбур қилади ва натижада бино кулаб, одамлар жабрланади. Мазкур икки ҳолатда касб юзасидан вазифаларни бажармаслик эҳтиётсизликни бепарволик шакли орқали амалга оширилишини кўрадиган бўлсак, тарбиячининг болалар ховлида ўйнаши оқибатида уларнинг бирини

ховлидаги чуқурга тушиб кетиши мумкинлигини билсада, боғчанинг чекка ҳудудида жойлашган чуқурга болалар бормади деган фикрда бўлиб, эҳтиёт чораларини кўрмасдан мазкур ҳолатнинг келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилиши ва оқибатда болалардан бири ховлида қаровсиз қолдирилганлиги оқибатида оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати олиши ёки вафот этиши ҳолатида эҳтиётсизликни ўз-ўзига ишониш шаклини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик – бу шахснинг хизмат ёки касбий мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида жамият, шахс ёки давлат манфаатларига зарар етказилиши мумкин бўлган жиноят ҳисобланиб, эгри қасддан ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилиши мумкин.

Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, мазкур тадқиқот доирасида ўрганилган касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаслик жиноятининг деярли 94% да ижтимоий фойдали натижага эришиш учун ёрдам кўрсатилган ҳолатида эҳтиётсизлик натижасида жиноят содир этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 117-моддаси диспозициясида мазкур жиноятининг айб шакли кўрсатилмаган бўлиб, хавф остида қолдириш жиноятнинг айб шакли ҳақида жиноят ҳукуқий назариясида ягона фикр мавжуд эмас. Шу сабабли, ҳукуқни қўллаш амалиётида ушбу жиноят таркибининг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашда баҳсли ҳолатлар юзага келади.

Бир қатор олимлар томонидан мазкур жиноят тўғри қасд билан бир қаторда эгри қасддан ҳам содир этилиши мумкин деб ҳисобласа, бошқалари хавф остида қолдириш эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши ҳам мумкин деган фикрни илгари суради. Д.В.Давтян эса, хавф остида қолдириш фақат қасддан содир этиладиган жиноят деб ҳисоблаб, эҳтиётсизлик орқали содир этилиши жазога лойиқ эмас деб тарифлайди. Профессор М.Х.Рустамбоев томонидан ҳам хавф остида қолдириш жинояти субъектив томондан қасддан содир этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, Ш.Хайдаров томонидан хавф остида қолдириш жиноятининг субъектив томони шахснинг соғлиғига қасддан зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган онгли ёки эҳтиётсизлик натижасидаги ҳаракат сифатида изоҳланади.

Бизнинг фикримизча, хавф остида қолдириш жиноятида шахс жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ҳолатни англаши ва уни шу ҳолатда қолдиришни исташи лозим яъни айбдорнинг қасди жабрланувчининг мавжуд хавфсизлигини бузишга қаратилган бўлади. Хавф остида қолдириш жиноятида субъект жабрланувчининг хавфли аҳволини, унинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрумлигини, ўзининг

жабрланувчига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини тушунади ва қасддан унга ёрдам бермаслик орқали келиб чиқадиган оқибатларга онгли равишда йўл қўйиб беради.

Масалан, ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, пиёдани уриб юборади, бироқ жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатмасдан ва тез ёрдам чақирмасдан ҳодиса жойидан қочиб кетади ва натижада жабрланувчи вафот этади. Ёки, меҳнат таътилида бўлган ва касб билан боғлиқ мажбуриятларни бажаришга мажбур бўлмаган тиббиёт ходими ҳисобланган акушер-гинекологнинг соғлиғи хавф остида бўлган уйида кўзи ёриётган кўшнисига ёрдам бериш имконияти бўла туриб ёрдам бермаслиги ва натижада она вафот этади. Ушбу ҳолатларда ҳайдовчининг ва шифокорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 117-моддаси билан малакаланмоғи лозим.

Хавф остида қолдириш жиноятининг субъектив томонини тўғри аниқлаш шунчалик муҳим ҳисобланадиги, жиноятнинг ушбу белгиси уни хавф остида қолдириш сифатида ёки ҳаёт ёки соғлиққа қарши жиноят сифатида малакалашда ёки мазкур жиноят таркибининг мавжуд эмаслигини аниқлашда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Хусусан, дастлабки тергов орган томонидан Т.М, Т.А ва Э.Мларнинг 18.07.2024 йилда таниши ўрталаридаги қарз масаласидан келиб чиққан келишмовчилик сабабли, жанжал давомида М.Ига қасддан ўртача оғир тан жароҳати етказишганлиги ҳолати юзасидан тергов ҳаракатлари ўтказилиб, Т.М, Т.А ва Э.Мларга нисбатан ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди ва 117-моддаси 1-қисми билан айблов эълон қилиниб, жиноят иши судга юборилган. Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 22.01.2025 йилдаги ҳукмига асосан Т.М, Т.А ва Э.Млар ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 117-моддаси 1-қисми айбловдан чиқарилган.

Шунингдек, Ж.Энинг 08.12.2024 йилда Ж.Қ билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида Ж.Қнинг жағ қисмига қўллари билан уриб, унга ўртача оғир шикаст етказганлиги ҳолати юзасидан Ж.Эга дастлабки тергов органи томонидан ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” банди ва 117-моддаси 1-қисми билан айблов эълон қилиниб, судга юборилган. Жиноят ишлари бўйича Янгиариқ туман судининг 13.02.2025 йилдаги ҳукмига асосан Ж.Э ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, ЖКнинг 117-моддаси 1-қисми билан қўйилган айблов бўйича унинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан оқланган.

Бизнинг фикримизча ҳам юқоридаги мисолларда суд томонидан ЖКнинг 117-моддаси айбловдан чиқарилиб қонуний қарорга келинган. Чунки, ҳар иккала ҳолатда ҳам айбланувчиларнинг қилмишларида ЖКнинг 117-моддаси таркиби мавжуд бўлмай, айбланувчиларнинг мақсади жабрланувчиларга тан жароҳати етказишдан иборат бўлиб,

мазкур ҳолатда хавф остида қолдириш жиноятининг объектив томонидан ташқари субъектив томони ҳам мавжуд эмас.

Хукукни қўллаш амалиётида тан жароҳат етказиш билан боғлиқ жиноят ишларининг аксариятида хавф остида қолдиришга нисбатан қасд бўлмаганлиги сабабли, айбловдан ЖКнинг 117-моддаси чиқарилган бир вақтда бир қанча тергов ва суд органлари томонидан шахснинг ҳаракатлари тан жароҳати етказиш билан боғлиқ модда билан қаторда жиноят таркиби мавжуд бўлмасада, асоссиз равишда ЖКнинг 117-моддаси билан ҳам малакаланиб, жазо тайинланаётганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, фуқаро О.Бнинг 17.09.2024 йилда ўзининг қариндоши ҳисобланган Б.Бни мастлик ҳолатида эканлигини била туриб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш мақсадида, яшаш хонадонига олиб бориб, Б.Бни хонадоннинг ошхонаси шифтига боғлаб, қўлида бўлган таёқ билан ҳамда қўл ва оёқлари ёрдамида Б.Бнинг танаси турли қисмларига уриб тан жароҳати етказиб ҳодиса жойидан кетиб қолганлиги ҳолати дастлабки тергов ва жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 13.02.2025 йилдаги ҳукмига асосан ЖК 104-моддаси 3-қисмининг “д” банди, 117-моддасининг 2-қисми билан малакаланиб, суднинг ҳукмига кўра, О.Бга ЖК 104-моддаси 3-қисмининг “д” банди билан 8 йил, ЖК 117-моддасининг 2-қисми билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси билан узил-кесил 8 йил 1 ой муддатга ОМҚ жазоси тайинланган.

Мазкур мисолларда биз ҳукукни қўллаш амалиёти турлича эканлигини кўришимиз мумкин. Чунки, қасддан баданга тан жароҳати етказилганлиги ҳолатида бир суд томонидан ЖКнинг 117-моддаси таркиби йўқ деб айбловдан чиқарилган бўлса, бошқа суд томонидан мазкур жиноят таркиби мавжудлиги ҳақида хулосага келиниб, жазо тайинланмоқда. Бизнинг фикримизча, баданга қасддан тан жароҳати етказиш билан боғлиқ қилмишларда айбланувчиларнинг қасди баданига қасддан шикаст етказиш билан боғлиқ бўлиб, улар ушбу мақсадда ҳаракат қилишади ва жабрланувчига қасддан тан жароҳати етказишади. Яъни юқорида айбланувчиларнинг қасди фақат жабрланувчиларга тан жароҳат етказиш бўлиб, жабрланувчиларни хавф остида қолдиришга нисбатан уларда қасд мавжуд бўлмаган. Агар айбланувчида тан жароҳат етказилиб бўлинганидан сўнг, хавф остида қолдиришга янги қасд вужудга келган бўлса, ушбу ҳолат тергов органи томонидан исботланиши лозим бўлади. Шу сабабли, юқоридаги ҳолатларда айбланувчиларни қилмишини ЖКнинг 117-моддаси билан малакалаш бизнинг фикримизча нотўғри бўлади.

Суд ҳукуқ амалиёти шуни кўрсатадики, ЖКнинг 117-моддаси аксарият ҳолларда агар ҳайдовчи воқеа жойидан қочиб кетса, ЖКнинг 266-моддаси билан биргаликда малакаланиб, ҳукукни қўллаш амалиётида ЖКнинг 117-моддасини мустақил қўлланилиши кам учрайди. Бизнинг фикримизча ҳам йўл транспорт ҳодисасини содир этган шахснинг йўл транспорт

ҳодисаси содир этилганидан сўнг, жабрланувчини ёрдамсиз қолдириб кетилишида хавф остида қолдириш жиноятига нисбатан янги қасд вужудга келади ва бу ЖКнинг 117-моддаси субъектив томонини ташкил этади. Қасддан тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятларда эса, тан жароҳати етказилганидан сўнг, айбланувчи жабрланувчининг хавфли аҳволини, унинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрумлигини, ўзининг жабрланувчига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини тушунган ҳолда жабрланувчига ёрдам кўрсатмасликка нисбатан янги қасд вужудга келган тақдирда қилмиш тан жароҳат етказиш билан бир қаторда хавф остида қолдириш жинояти билан ҳам малакаланиши лозим. Масалан, ов қилиш учун одамлар яшамайдиган олис ҳудуддаги ўрмонга борган икки овчининг ўрмонда жанжаллашиб қолиб, бирига иккинчиси томонидан жанжал оқибатида ўртача оғир тан жароҳати етказилиши ва хушсиз бўлиб қолган овчини иккинчиси томонидан агар шериги шу аҳволда қолса хайвонлар еб кетиши мумкинлигини англаган ҳолда ташлаб кетиши ЖКнинг 105-моддаси таркиби билан бир қаторда 117-моддаси таркибини ҳам бериши мумкин.

Шахснинг жиноий қилмишини ЖКнинг 117-моддаси билан малакалашда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бунда шахснинг қасди қилмишга нисбатан бўлади. Хавф остида қолдиришда субъектнинг қасди фақат хавф остида қолдириш фактининг ўзига нисбатан конкрет ҳисобланади ва оқибатларга нисбатан аниқ бўлмайди. Бунда субъект бевосита ҳаёт ёки соғлиққа эмас, балки ҳаёт ёки соғлиқнинг хавфсизлигига зарар етказилишига кўзи етган бўлиши лозим. Мазкур жиноят субъектида оқибатга нисбатан қасд мавҳум бўлиб, воқеалар ривожини бўйича субъектда аниқ истак бўлмайди. Яъни хавф остида қолдиришда жиноят субъектнинг муайян оқибатлар юз бериши муқаррар эканлигига кўзи етиши мумкин эмас, чунки жабрланувчига зарар унинг ҳаракатсизлиги билан эмас балки, учунчи кучлар таъсирида етказилади. Шу сабабли ҳам, Е.В.Топильскаянинг хавф остида қолдириш жинояти субъектининг жиноят оқибатларга нисбатан кўзи етмаслиги ҳақидаги фикрига қўшилиш бизнингча асосли ҳисобланади.

Агар шахснинг қасди оқибатга нисбатан бўлса, ҳаёт ёки соғлиққа қарши жиноят сифатида малакаланади.

Масалан, онанинг ўз боласини одамлар яшаш жойларида ёки кўчада қолдириб кетиши ЖКнинг 117-моддаси таркибини берса, онани ўз боласини ўлдириш мақсадида темир йўда ёки машиналар қатнов йўлида ташлаб кетиши иш ҳолатларидан ва келиб чиққан оқибатга кўра, ЖКнинг 97-моддаси ёки 99-моддаси билан малакаланади.

Хавф остида қолдириш жинояти субъектив томонининг интеллектуал элементи жабрланувчининг хавфли аҳволини, унинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрумлигини, ўзининг жабрланувчига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини тушуниш каби

омилларни ҳам ўз ичига олади. Субъект жабрланувчи қандай ёрдамга муҳтожлигини, унга ёрдам кўрсатиш учун қандай ҳаракатлар зарурлигини, шунингдек, унга мазкур ёрдамни кўрсатиш имконини берувчи муайян шароитларни англаши лозим. Масалан, йўл транспорт ҳодисасини содир этган Б пиёда уриб юбориб, унга оғир тан жароҳат етказиб, ҳодиса жойидан қочиб кетади. Бунда Б жабрланувчининг хавфли аҳволини, унинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрумлигини, ўзининг жабрланувчига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини тушунади ва келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатга нисбатан унда бирор қасд бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 26.06.2015 йилдаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 17-бандида “Йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда айбдор ва жабрланувчини, унинг ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолганлигини била туриб, ёрдамсиз қолдирган ҳайдовчи ЖК 266 ва 117-моддаларининг тегишли қисмларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бизнинг фикримизча, мазкур тушунтириш хато ва ғализ ҳисобланиб, ушбу тушунтири ёрдам бермаган ҳайдовчини гарчи у йўл транспорт ҳодисасида айбдор бўлмасада, ЖКнинг 266-моддаси ва 117-моддаси билан жиноятлар мажмуи тариқасида жавобгарликка тортишни назарда тутди.

Шундай бўлсада, тергов органлари ва судлар томонида ЖКнинг 266-моддаси фақат йўл транспорт ҳодисаси содир этган шахсга нисбатан қўлланилиб, жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида бўлганда ҳайдовчи томонидан жабрланувчига ёрдам кўрсатилмай, воқеа жойидан қочиб кетилган тақдирда юқоридаги пленум қарорининг 17-бандига асосан ЖКнинг 266-моддаси билан бир қаторда хавф остида қолдириш жиноятининг объектив томонининг барча элементлари мавжуд бўлмасада, жиноят ишлари ЖКнинг 117-моддаси билан ҳам жиноятлар мажмуи сифатида малакаланиб, хатоликларга йўл қўйилмоқда.

Хусусан, ЖКнинг 117-моддаси моддий таркибли жиноят ҳисобланиб, барча ҳолларда оқибат келиб чиқишини тақазо этади. Бироқ, юқоридаги Пленум қарорининг ушбу бандида берилган (назарда тутмоқчи бўлган) тушунтириш сабабли, амалиётда оқибат хавф остида қолдириш натижасида эмас балки йўл транспорт ҳодисаси натижасида вужудга келган ҳолларда ҳам қилмиш ЖКнинг 266-моддаси ва ЖКнинг 117-моддаси мажмуи билан малакаланиб келинмоқда. Яъни амалдаги жиноят қонунчилигимизга кўра, ҳар икки модда (ЖК 266 ва 177) мустақил оқибат талаб қилган вазиятда битта оқибат ҳар иккала модданинг натижаси сифатида квалификация қилинмоқда. Хусусан, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 03.03.2025 йилдаги ҳукмига асосан У.О ЖК 266-моддасининг 1-қисми ва

117-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан, иш ҳақининг 10 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил, ЖК 117-моддасининг 1-қисми билан 2 йил АТИ жазоси тайинланган. Жиноят иши ҳужжатларига кўра, У.О 20.11.2024 йил бошқарувидаги давлат рақам белгиси 10X576KB бўлган, “Спарк” русумли автомашинасини Ангрен шаҳри, Гулбоғ мфй Эсти Тошкент кўчаси 1-километри бўйлаб, Облиқ йўналишида бошқариб, “Йўл ҳаракати Қоидалари”нинг 3, 53 ва 77-банди талабларини қўпол равишда бузиб, ўз-ўзига ишониш оқибатида, пиёдалар йўлагидан Ғ.Ғулом маҳалласи томон ҳаракатланиб, ўтаётган пиёда Э.Нни автомашина чап томон орқани кўриш ойнаси қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этиб ҳодиса содир бўлган жойдан кетиб қолган. Жабрланувчида тан жароҳати йўл транспорт ҳодисаси юз берган вақтнинг ўзида келиб чиққан бўлиб, ушбу тан жароҳати ёрдам кўрсатмаслик натижасида келиб чиқмаган ва суд-тиббий экспертизасининг 02.12.2024 йилдаги 1576-сонли хулосасига кўра, жабрланувчининг тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра, оғир тан жароҳати тоифасига киришлиги аниқланган. ЖКнинг 266-моддаси ҳам 117-моддаси ҳам оқибат келиб чиқишини назарда тутган бир вақтда жабрланувчи Э.Нда келиб чиққан тан жароҳати қайси бир модданинг оқибати? Агар хавф остида қолдириш жиноятининг оқибати бўлса, унда ЖКнинг 266-моддаси айбловдан чиқарилиши лозим. Агар ЖКнинг 266-моддасида назарда тутилган жиноят натижасида оқибат келиб чиққан бўлса унда ЖКнинг 117-моддаси айбловдан чиқарилиши лозим.

Ушбу мисол биргина суднинг ҳукми бўлиб, бундай ҳукмларни юздан ортиғини кўришимиз мумкин ва Республика бўйича барча шунга ўхшаш қилмишлар тергов ва суд органлари томонидан юқоридаги каби малакаланиб келинмоқда. Бизнинг фикримизча эса, суднинг ушбу қарори юқоридаги пленум қарорининг мазкур бандида назарда тутмоқчи бўлган мазмунига асосан тўғри бўлиши мумкин бироқ, ЖК ва жиноят қонунчилиги нормаларига зид ҳисобланади. Чунки, ҳар бир қилмишда мустақил равишда жиноят таркибининг барча элементлари мавжуд бўлиши лозим бўлиб, бошқа бир жиноятнинг объектив томони бошқа бир жиноятнинг объектив томонини ташкил этмайди. Шу сабабли, мазкур пленум қарорининг 17-бандига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, касб вазифаларини бажармаслик субъектив томондан эгри қасд ҳамда эҳтиётсизликнинг ўз-ўзига ишониш ва бепарволик орқали содир этилса, хавф остида қолдириш жинояти эгри қасддан содир этилади.

Хавф остида қолдириш билан боғлиқ жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 26.06.2015 йилдаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 17-бандига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, “Йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда айбдор ҳайдовчи жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолганлигини била туриб, ёрдамсиз қолдирган ва ушбу хавф остида қолдириш жинояти натижасида ЖКнинг 117-моддасида белгиланган оқибатлар келиб чиқса, ҳайдовчи ЖК 266 ва 117-моддаларининг тегишли қисмларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортилиши лозим” мазмунида ифодаланиши мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахроров Б.Ж., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида айб ва унинг белгилари. // Жиноят процесидида айбга иқролик битими мавзусидида илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 73-83.
2. Закирова У. Жиноят мотиви ва мақсадининг қилмишни квалификация қилишдаги аҳамияти // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.116-121.
3. Бакунов П. Айб – жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. – Тошкент: Адолат, 2006. - Б. 58-60.
4. Шершеневич Г.Ф. Учебник русского уголовного права. Общая часть. — М.: Изд-во, год. — С. XX.
5. Баев О.Ю. Жиноят ҳуқуқида эгри қасд тушунчаси. — Шаҳар: Нашриёт, йил. — Б. XX.
6. Абдуқодиров Ш.Ё.Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари. Ўқув қўлланма.–Тошкент: ТДЮИ 2005. – Б.9.
7. Helling v Carey(1974) 519 Pacific Rep 2nd Series: 981-5
8. Российское уголовное право: Учебник в 2 т. Т. 1. Общая часть / Под ред. Л.Н.Иногамовой-Хегай, В.С.Комиссарова, А.И.Рарога. - 2-е изд., перераб. и доп.-М.: Изд-во Проспект, 2007. -С, 175.
9. Чуйкин.В.В. Неосторожная вина - легкомыслие или небрежность? -Минск, 1999. - С. 133.
10. Хайдаров Ш.Д. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик Дисс,,,,,,83.

11. Ткаченко В.И. Парные нормы // Уголовное право. - 2000. - № 2. - С.63-64. Зубенко Е.В. К вопросу о квалификации действий виновных лиц, совершивших оставление в опасности при дорожно-транспортном происшествии. // Проблемы права.//. 2011. №5 (31). - С. 164-166.

12. Зубенко Е.В. Ленцов А.Б. О понятии беспомощности при расследовании дорожно-транспортных преступлений, сопряженных с оставлением потерпевших в опасности.//Проблемы права.//. 2013. №5 (43). - С. 175-178.

13. Foynitskiy I.Ya. Ko'rsatilgan asar. - S.57.

14. Хайдаров Шухратжон Джумаевич, Хавф остида қолдириш жиноятининг субъекти ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали 9 Жилд, 9 Сон 2024.

15. Топильская Е.В. Спорные вопросы субъективной и объективной стороны оставления в опасности // Вестн. Ленингр. ун-та. Сер. 6, 1987, Вып. П. -С. 108.